

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

30 март 1973 йил, жума

№ 75 (15.549) ● Баҳоси 2 тийин.

АҲОЛИ ТАЛАБИГА ЯРАША ИШЛАЙМИЗ

«Янги беш йилда аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашни яхшироқ ўқиниш учун имконият бор. Газлава, кийим-беш, пойфазал, трикотаж ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжалланади. Телевизор, холодильник, радиоларнинг кир ювчи машинаси каби узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар аҳолининг эhti-мларини тўла қондиришга яқинлашиш учун реал имконият бор. Ёнгил автомашиналар сотиш анча кўпаяди, уларни ишлаб чиқариш 1975 йилда 1970 йилга нисбатан деярли икки марта кўпаяди».

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезидига Ҳисоб-тоҳта докладыдан.

Бундан икки йил муқаддам КПСС XXIV съезди иш бошлаган эди. Утган икки йил мобайнида совет халқи, шу жумладан Ўзбекистон меҳнатқиллари ҳам жонжон партиямизнинг улғу аниқ қарорларини бажариш борасида катта ютуқларни эриштирди. Ўзбекистон ишчилари, инжандорлари, конлари республикамиз экономикаси равнақ топтириш йўлида ҳар қандай қўшма ҳаракатни қўйди. Иқтисодий ислохотни яна ҳам тараққий эттириш, ишлаб чиқариш фондларидан тобора унумлироқ фойдаланиш, янги техника ва технологияни энг кўп наф қўриб ишга тушириш вазифаси қўйилди. Урток Л. И. Брежнев докладыда ва съезд қарорларида халқ кенг истеъмол буюмлари турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаб бериш лозимлигига ёнгил санаят ҳодимларининг эътибори яна бир бор қўйилди.

Фирмамизнинг чеварлари, инженер-техник ходимлари меҳнатқилларнинг дидига мос, бежизим, тирикли, модабол кийим-кечек тилиш бобига бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Ишчиларимизнинг куч-қайрати туяйли 1972 йилда меҳнат унумдорлиги шундай аввалги йилдагига нисбатан 12,6 процент кўпаяди. Биз беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида, янгилик унумли ишларга аҳд қилганимиз, зимиамизга оширилган социалистик мажбуриятлар олганимиз. Фирмамизнинг кўп миң кишилик коллективлар против таъқилоти, коммунистлар ётакчилигида ана шу катта мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ғайрат билан ишлаймиз.

Биринчи квартал плани тоғашригини маҳсулотни реализация қилиш бўйича 28 марта бажардик. Ой охиригача 220 миң кўчлик планга қўшимча маҳсулот тайёрланади. Фирмамиз коллектив маҳсулот сифатини яхшилашга, ҳамда қорқонан реконструкция қилишга катта аҳамият бериб беришга айтиб ўтмоқчи эдим. Қозор фирмамиз чеварлари қўлдан чиқарган 12 хил пальтога Давлат сифат белгиси берилган. 1972 йил охирида фирмамиз бир талай, цехлари учун янги корпуслар қурилади. Тикув ва таъриба цехлари ишчилари эндиликда ана шу янги-енг ва ёруқ корпусларда иш бошлаб юбордилар. Бу цехларда ўрнатилган мукамал техника маҳсулот сифатини кўтаришда ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Республикамиздаги ташаббуқор тўқимачиларнинг санаят меҳнатқилларига мурожаати тикувчиларимиз қалбиде ҳам акс садо берди. Юзлаб ишчиларимиз кам ҳажо қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот чиқариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақага қўшилдилар. Мусобақада фирмамизда ишлайётган 200 нафар коммунист персонали қилмоқда. Партиа аъзоларидан Ф. Аскарова ва Л. Орлова ўртоқлар бошчилик қилаётган цехлар намуна кўрсатиб ишлаймоқдалар. Коллективимиз беш йилликнинг учинчи йили тошширинини барвақт бажариш учун қиммат қармарини боғлаб астойдил курашмоқда.

С. СУЛТОНОВА,
Тошкентдаги «Кўзил тоғ» тикувчилик фирмасининг директори, КПСС XXIV съезди делегати.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Тўрақўрғон райони парранда-боқарлари қувончли ютуқни қўлга киритдилар. Улар давлатга 551 миң ўрнига 556 миң донга туҳум топшириб, йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажардилар. Эришилган зафарга Киров номи, «Ўзбекистон» колхозлари паррандабоқарлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Районда туҳум тайёрлаш давом этмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.



КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошираётган Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ташсельмаш» заводи коллектив меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритди. Корхона конвейердан ҳар кун 40-50 та «Ўзбекистон» маркали пахта териш машинаси чиқарилади. Суратда: заводнинг илгор ишчиларидан Омон Ҳасанов ва Бозорбой Коржабоевлар иш устида.

М. Нуридинов фотоси.

Б У Ю К ЮКСАЛИШЛАР

Бундан икки йил муқаддам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди иш бошлаган эди. Съезд партия ва халқнинг мейинги йиллардаги буюк ишларини аниқлаб берди, бундан бунгигача даярга мўлжалланган сиёсий йўлни ва илмий жиҳатдан асосланган программани ишлаб чиқди. Съезд СССРдаги коммунистик қурилишнинг, Ленин партияси, бутун совет халқи жаҳон революцион инқилобни қўшаётган ҳиссанинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини яққол кўрсатиб берди.

Урток Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида иштирок этган чет эл делегациялари шарафига Кремлда ўтказилган қабул маросимида айтганиден, «съезда КПСС Марказий Комитети ўз фаолияти учун совет коммунистлари олдига ҳисобот берди. Шу билан бирга бутун партиямиз аслида умумий коммунистик иш манфаатлари йўлидаги меҳнатимиз ва нурашимиз тўғрисида жаҳон пролетариати олдига, ер юзидеги барча меҳнатқиллар олдига ҳисобот берди».

Совет халқи ўзининг шонли Ленинчи партияси раҳбарлигида янги беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунлади. Совет жамиятининг бундан бунгигача иқтисодий, социал сиёсий ва маънавий тараққиёти юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан буюк ва кенг программани амалга оширишдек катта йўлда яна бир қўлтуғ зўр қадам қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Урток Л. И. Брежнев Ҳисобот докладыда таъкидлаб ўтилганиден, «утган йилларда партия раҳбарлигида қардош совет республикаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан аста-секин яқинлаштириб бериш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бу яқинлашув миллий хусусиятларини эътибор билан ҳисобга олиш, социалистик миллий маданиятларни ривожлантириш жараёнида содир бўлмоқда. Иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам ҳамisha ҳисобга олиш — партиянинг бу масаладаги сиёсатининг моҳиятидир».

Барча иттифоқдош ва автоном республикалар, барча ўлка ва областлар совет халқларининг қардошлик оиласида ўз экономикаси ва маданиятини равнақ топтиришда, Янги беш йиллик план социалистик миллатлар бузимас дўстлиги, ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон меҳнатқиллари ҳам тўққизинчи беш йилликда ишчи қўли билан катта вазифаларни адо этмоқдалар. Республикамиз ишчилар синфининг бир ярим миллион нафарли отряди санаят маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш давлат планларини муваффақиятли адо этмоқда. Республикамиз санаят корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобани кенг авж олдириб, бир қанча муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1973 йил биринчи квартал планини муддатидан олдин — 28 марта бажардилар.

Ишчилар синфи, техника интеллигенцияси, индустрияимизнинг миң миңлаб новаторлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини мадаллаштириш, асосий фондлардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, маҳсулот сифатини ошириш учун ҳар қандай қўшма ҳаракатни қўллаш, директива объектлари қурилишларида иш қизғин бормоқда. Сирдарё ГРЭСиде янги электростанция, Туялўйин гидроузелидек йирик ирригация иншоотлари, тўқимачилик корхоналари қурилмоқда. Халқимиз фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Деҳқонларимиз ишлаб чиқаришнинг янада юксалтириш йўлида катта меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон пахтакорлари ўтган йили мамлакатга 4 миллион 710 миң тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Давлатга дон, сабзавот, узум, мева, полз экинлари, пилла ва бошқа маҳсулотларни сотиш юзасидан белгиланган план топшириқлари ва мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Чорвачилик юксалиб бормоқда. 1972 йилда гўшт, туҳум, сут етиштириш ва тайёрлаш йиллик планлари ошириб бажарилди. Бу улкан муваффақиятлар партия XXIV съезди тарихий қарорлари амалда зўр муваффақиятлар билан бажарилаётганлигининг буюк самарасидир.

Партия XXIV съездининг Директивларида белгилаб берилган мамлакатнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг эртанги кунини яна ҳам серфай, яна ҳам нурашон, янада жонбарлидир. Янги кўрнам шарҳлар ва посёлмалар, гигант завод ва фабрикалар тобора кўпроқ қад кўтараверади. Қудратли техникага таянган ишлаб чиқаришнинг янги қўқиларга кўтарилади. Мирзачўлда ва Қарши даштида, Марказий Фарғонада, Сурхон-Шеробод водийсида ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида кўплай янги ерлар ўзлаштирилади. Фан, техника, маданият, санъат янада тараққий этади. Ана шуларнинг ҳаммаси халқ бахт-саодатига, совет «ишисини ҳар томонлама намолиотга етказишга хизмат қилади. Ленинчи партиямизнинг раҳбарлиги, совет халқлари бузимас дўстлиги ва ўзаро ёрдами ана шу улғувор вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши учун гаровидир.

Урток Л. И. Брежнев партия XXIV съездида таъкидлаб ўтилганиден, бизнинг планларимиз реал бўлиб, мамлакат эhtiжлари ва ресурслари, имкониятларини эътиборга олиб тузилган, бу планларни бажариш ҳар биримизнинг меҳнатимизга, ушшоқлигимизга, интизомимизга, омилдорли билан ишлашимизга ва собитқадимлигимизга боғлиқдир.

Тинч ижодий меҳнат қилаётган совет кишилари коммунизмнинг мухташам биносини бунёд этмоқдалар. Улар КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик сиёсатининг нақадар тантана қилаётганидан гоёт мамнун ва миннатдордирлар.

Совет халқи КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамламоқда, жаҳонда абдий тинчлик барқарор бўлмоғи учун қўли-қўлга бериб курашмоқда.

Республикамиз меҳнатқиллари партиямиз XXIV съезди тарихий қарорларини, коммунистик қурилишнинг улғувор режаларини амалга ошириш йўлида янада самарали меҳнат қилаверадилар, социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада ошириш борасида кўп миллатли совет халқлари олиб бораётган буюк иррадиацияли ишларига тагин ҳам кўпроқ ҳисса қўшаверадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРОлий Совети Президиумининг ФАРМОНИ
УРТОҚ В. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА
ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ
ТАЙИНЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон ССРОлий Совети Президиуми қарор қилади,
Уртоқ Ваҳоджон Усмонов Ўзбекистон ССРОлий Совети
санаяти министри қилиб тайинлаш.

Ўзбекистон ССРОлий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССРОлий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 29 март.
Ҳошнот шаҳри.

Н. В. ПОДГОРНИЙ НГУЕН ТХИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига нандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев СССРга расмий визит билан келган Жанубий Вьетнам Республикаси Миллий озодлик фронтини Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Биньни ва унга ҳамроҳ бўлиб келган делегация аъзолари: Миллий озодлик фронтини Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги элчиси Данг Куанг Миньни ва ЖВРнинг Польша Халқ Республикасидаги элчиси Чан Ван Туви 27 мартда қабул қилди. Самимий дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимлар имзоланганидан кейин вазиятнинг ривожланиши тўғрисида, Совет Иттифоқи билан Жанубий Вьетнам Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

Нгуен Тхи Бинь миллий озодлик фронтини Марказий Комитети ва ЖВР Муваққат революцион ҳукумати номидан, Жанубий Вьетнам халқи номидан КПССга, Совет ҳукуматига, совет халқига вьетнам халқининг олиб борган адолатли курашига ҳар тарафлама ва самарали ёрдам ҳамда мадад берганликлари учун, империалистик агрессия устидан галабага эришишда Совет Иттифоқи қўшган муҳим ҳисса учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Нгуен Тхи Бинь Жанубий Вьетнам халқи бундан кейин ҳам совет халқи билан дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга сўзсиз интилишини таъкидлаб ўтди.

Совет томони вьетнам халқининг эришган тарихий галабасига юксак баҳо берди. Партия битимларининг қатъият ва изчилли билан бажарилишига ҳар тарафлама қўмақлашишга, Жанубий Вьетнам халқи манфаатларининг чинакам ифодачиси бўлган Миллий озодлик фронтини ва Муваққат революцион ҳукуматини уларнинг тинч, мустақил, демократик ва бетараф Жанубий Вьетнам учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашга таъйир эканлигини таъкидлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими муdiriнинг ўринбосари Р. А. Ульяновский, СССР Ташқи ишлар мишистрлиги бўлимининг муdiri С. С. Немчина иштирок этдилар.

бешинчи сун — планга нисбатан процент ҳисобида:

Сурхондарё	8177	101,8	3500	15,2
Сирдарё	21756	90,4	5917	36,0
Анджон	8192	89,7	4485	49,9
Тошкент	10567	76,0	6616	30,5
Фарғона	7663	74,9	4148	17,9
Самарқанд	5267	64,6	862	7,2
Баманган	4309	41,8	2528	13,4
ухоро	5366	41,8	1522	9,0
ерази	1424	31,8	—	—
Қ АССР	1975	13,9	—	—

республика
йилча: 90517 65,1 30258 17,2

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИДА

Меҳнатчилар депутатлари Тошкент область Совети сессиясида йўналиш ҳақидаги қарарларни қабул қилди. Андижон область Совети сессиясида шакарлар ва районларнинг санитария ҳолати ва ободончиликни янада яхшилаш тadbирлари қарор қилинди. Қоҳқош ва соқоқларнинг чорвачилигини ривожлантириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳақида бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот тингилди. Андижон область сўднинг янги состави сайланди.

Меҳнатчилар депутатлари Фарғона область Советининг сессияси уй-йўли ва коммунал хўжалик объектларининг аҳоли ва ундан фойдаланишни яхшилаш чораларини муҳофаза қилди. Сессия область сўднинг янги тўғрисидаги ҳисоботи тингилди ва унинг янги состави сайланди.

Меҳнатчилар депутатлари Қашқадарь область Совети ўзининг навбатдаги сессиясида қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг чорачилари мажбуриятлари етиштириш ва кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдириш масаласини муҳофаза қилди. (ЎЗТАГ).

Чорвалдорлар учун энг масъулиятлиқ кўнлар бошланди. Замин райондаги «Қизил чорвалдор» совхозининг чўпонлари совлиқлардан кўп кўзи олиш ва унинг ҳар бирини ўстиришга қодирлиб, авайлаб парвариш қилишга аҳд қилганлар. Н. Меламед чизган расида совхознинг йилор чўпони Қудрат Яллакулов йилвода.



АНИҚ РЕЖАЛАР...

Тўғрисида ОЗУҚА — МУН МАХСУЛОТ МАНБАИ + ҲАР ГЕКТАРИДАН 1000 СЕНТНЕР МАККАЖУХОРИ КУПКОПСИ, 60 СЕНТНЕР МАККАЖУХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРИЛАДИ + 10 МИНГ ТОННА СИЛОС БОС-ТИРАМИЗ. + ҲАР СОГИН СИГИРДАН 3 МИНГ ЛИТРА СУТ ОЛИНАДИ.

Халқимизда «Молга берсанг сиз емиш — боқар сени ёзу қиш» деган мақол бор. Бунинг маъноси чўпон чорвалдор, аввало, чорва моллар озуқа баъзисини мустаҳкамлаш ҳақида гамхўрлик қилади. Ана шулардан сўт, гўшт ва бошқа маҳсулотлар кўпайверади, рентабеллиги ошверади. Мен буни колхозимиз миқолида кўрсатиб ўтмоқчиман.

Бунда чорвачилик рентабелли тармоққа айланади. Олинган даромад йилдан-йилга кўпайиб, ташнах эса аранолашади. Биз бунга тўғрисида озуқалар етиштиришни кўпайтириш, оғир меҳнат талаб қилган ишларни механизациялаш йўли билан еришмоқчимиз. Чорва моллар учун озуқа

етиштиришда маккажухори алоҳида ўрни тутади. Бу қимматбаҳо эгиннинг 153 гектар майдонда ўстирилади. Утган йили гектаридан 511 центнердан кўпроқ олинди, 9 минг тоннага яқин силос бостирилди. Мен бошчилиги қилган бригадала ҳосилдорлик янада юқори бўлиб, 800 центнерни ташкил этди. 10 гектар уруғлик майдоннинг ҳар гектаридан кўзда тутилганда кўп дон олинди ва 450 центнер юқори концентратли уруғлик тайёрланди.

Хоразм областининг иқлим ва тупроқ шaroити ҳар гектар ердан 500-600 центнер ва ундан юқори кўшоя олиш мумкинлигини кўрсатди. Бизнинг тажриба даламида ҳосилдорлик 1000 центнерга етди. Шун

дай экан, айрим хўжаликларда маккажухоридан паст ҳосил олинаётганини оқлагча ҳеч қандай асос йўқи, ҳамма жойда ҳалол меҳнат билан катта хирмон кўтаришимиз керак.

Маккажухори, бедадан мўлқул озуқа жамғариш тўғрисида қишлоқчи озуқа, айни кезде маҳсулот миқдорини ошириб, сортини яхшилашди. 400 боғ сиғирнинг ҳар бошиндан салкам 2 минг литрдан сўт соғиб олади. Моҳир сиғир соғувчи Бина Собирова эса сўт миқдорини сиғир бошига 3.100 литрга етказди. Унинг мусобақадoshi Гулчехра Рамабова ҳам 3 минг литрдан сўт олди.

— Сўт чашмаси тўлиб-тошлати, бу маккажухори дони, поёси ва силоснинг шароити, — дейишди сиғир соғувчилар.

Ҳақиқатда озуқа етарли бўлган учун иш ҳақида ҳам маҳсулот миқдори кўпайди, сўғи юқори, ташнах арано бўлди. Эълорига 77 тонна сўт жуғлатилиб, биринчи квартал пилани муздатида илгари баъжарилади. Ундан ташнах тайёрлов ташнахотларига 47 тонна гўшт етказиб берилиб, ярим йиллик топшириқ ошириб адо этилди.

Еш маккажухориорларнинг республикамиздаги барча маккажухориорларига қарата қабул қилган мурожаатини ўқиб чиқиб, янги режалар белгилади. Бу йил маккажухори кўпайиш ва дон етиштириш кўпайтириш, 10 минг тонна силос бостириш режаларини белгилади. 155 гектар майдонда кўпроқ 15 центнер майдонда дон етиштирилади. Ҳар гектар дон етиштирилади. Ҳар гектар дон етиштирилади. Ҳар гектар дон етиштирилади.

Собир ҚАЛАНДАРОВ, Янгиариқ райондаги Ленин орденли Оқунобоев номида колхоз маккажухориорлик бригадаси бошлиғи.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Планетамизда

Жанубий Африка Республикаси — туб аҳолисининг 70 проценти «ўз юртида бегоналар» саналуви ҳақондаги ягона мамлакатдир. Форстер ҳукумати бу ерда кўп йиллардан буён қора танлиларни қувғин қилишдек оғир ва аянчли сиёсат юргизиб келипти. Ҳар йили 100 минглаб африкаликлар ўз районларидан қувш тафтида қовчираб ётган чўларга зўрлаб ҳайдаб чиқаришмоқда. На са ноат қорхоналари, на ер ости бойликлари бўлган бу ерда «кувғинчи» халқ ишчилари ва очликдан, ҳар хил касаллик ва қашшоқликдан қиррилиб кетмоқда. Суратда: Наталья Владовичнинг Екувунени резервационига ҳайдаган аҳолининг болаларини кўриб турибсиз. (СС Фотос).

ҲУКУМАТ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

САНТЬЯГО, 28 март. (ТАСС) Чили президенти Сальвадор Альенде министрлар кабинети составини қисман ўзгартирди. 4 мартда ўтказилган парламент сессиясида патнажасияда Халқ бирлиги коалицияси аъза муваффақият қозонганидан кейин мамлакатда вуқулга келган янги сиёсий вазият ҳукуматни қайта ташкил этишни таъвоқ қилди. Ҳукумат составига олти янги министр таъинланди. Социалист Херардо Сепиноса Каррильо ички ишлар министри қилиб, ерларни ўзлаштириш министри бўлиб ишлаб келган радикал Умберто Маргонес иқтисодий ишлар ва транспорт министри қилиб, сўд қристан харақати вакили Серхио Батар но-руда саноати министри қилиб, социалист Педро Идальго қишлоқ хўжалиги министри қилиб, мустақил

халқ ҳаракати партиясидан Роберто Куальяр ерларни ўзлаштириш министри қилиб, радикаллар партиясининг вакили Анибал Пальма ҳукуматнинг министр даражасидаги бош секретари қилиб таъинланди. Коммунистик партия вакиллари — экномика, ривожланиш ва реконструкция министри Орландо Мильяс, юстиция министри Серхио Инсуа, меҳнат ва социал-таъминот министри Луис Фигероа ҳукуматнинг янги составига қўшилди. Ҳукуматнинг илгариги составига бўлган каби янги составда ҳам Клодомиро Альмеида ташқи ишлар министри, Хосе Тоа миллий мудофаа министри (буларнинг икковни социалистик партия вакиллари), Фернандо Флорес (бирлашган халқ ҳаракати партиясидан) молия министри бўлиб қолди.

МИСРНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ҚОҲИРА, 28 март. (ТАСС). Бу ерда Миср Араб Республикасининг президенти ва бош министри Анвар Садат тузган Миср Араб Республикаси янги ҳукуматининг состави эълон қилинди.

Янги кабинетда Бош министрнинг ўрт ўринбосари бўлиб, Абдил Қодир Хотам маданият ва ахборот масалалари билан шуғулланади, ички ишлар министри лавозимини ҳам ияро этувчи Мамдүх Салим, молия, экномика ва ташқи савдо министри вазифасини эгаллаган Абдил Азиз Хигозий бош министр ўринбосарлари ҳисобланади. Шунингдек вакиллар министри Абдил Азиз Камол бош министрнинг дин масалалари билан шуғулланувчи ўринбосаридир.

Янги кабинет министрлари орасида аввалги ҳукуматнинг 17 аъзоси бор. Ташқи ишлар министри Муҳаммад Хазан аз Зайед, ҳарбий министр Аҳмад Исмон Али ва бошқалар шулар жумласидандир.

Янги ҳукуматда Муҳаммад Мурод Голли ахборот министри, Африка ва Осиё халқлари бирлашган ташкилотининг бош секретари вазифасини ўтаб келатган Юсуф ас-Сибойи маданият министри бўлиб қолди.

Генерал Абдил Фаттоҳ Абдалла кабинет масалалари билан шуғулланувчи давлат министри лавозимини, генерал Аҳмад Муҳаммад Собит таъминот ва ички савдо министри лавозимини эгаллади, Иброҳим Салим Муҳаммадайн саноат министри, Исмоил Фаҳмий туризм министри вазифаларига таъинланди.

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИ СССР ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ТОКИО, 28 март. (ТАСС) Япония Бош министри К. Таана СССР элчиси О. А. Тропиловскийни қабул қилди. Элчи Япония ҳукумати бошлиғига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг жавоб мактубини топширди.

ДЕҲЛИДА ОММАВИЙ НАМОЙИШ

ДЕҲЛИ, 28 март. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахти кўчаларида кеча минг-миглаб қизил байроқлар ҳайқилди. Деҳлининг ва мамлакат турли шаталарининг 300 мингдан ортиқ аҳолиси Ҳиндистон Коммунистик партиясига ва касеба союзулари УмумҲиндистон конгрессининг мақорига бинсон парламент биноси олдида юришда қатнашди. Бу юриш ўнг кўчалар томонида бўлаётган халқини барторлаш қилиш, монополиялар ҳуқуқдорлигини тугатиш, демократия асосида ер ислоҳотини амалга ошириш, ишчиларнинг турмуш шaroитини яхшилаш учун кескин чоралар кўриш шiori остида ўтди.

Намоийш иштирокчиларининг маршурти шаҳарнинг аски қисмидаги тарихий Қизил Форт деворларидан бошлаб пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган Ҳиндистон олий қонуни чиқарувчи орган биносига 13 километр масофага чўноди. Намойишчилар са

фийда мамлакат оммавий демократия ташкилотлар, деҳқонлар, ёшлар ва студентлар иттифоқи вакиллари бор эди. Мама шу намоийш чоғида бўлиб ўтган оммавий митингга ўлиб нотиндлар сўзга чириб, халқнинг турмуш даражасини ҳимоя қилиш, реакциянинг кирдиорларига қарши мамлакатнинг тинчликсавар сиёсатини қўлаб-қувватлаш бўлида барча сўз ва демократия кўчалар ҳамда партиаларни кескин ҳаракат қилишга чакирди. Аини бир вақтда депутат-коммунистлар парламент мажлислари заллида ҳар инсола палата бошчиликларида ўн миллиондан ортиқ инши имзо чекан талабномалар тақдим қилдилар. Бу мактуб халқ ҳуқуқдорлиги ва ҳайит манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатчиларни оммавий турмуш даражасини яхшилашдан иборат миллий талабларнинг чинакам демократия программасидир. В. МАТЯШ.



ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

РАНГУН, СССР билан Бирма Иттифоқи ўртасида маданий ҳамкорлик планига мувофиқ Бирма кино ҳодимлари делегацияси бугун Тб-ли, сизга жўба кетди. Делегацияга «Кино ишлари корпорациясининг» бош бошқарувчиси У Маун Маун Икин бошчилиги қилмоқда. Бирмалик меҳмонлар Москва, Тошкент, Душанбага ҳам борадилар.

ПРАГА. Прага яқиндаги Комориани гидрометеорология институтини ҳузурда янги метеорология алоқа маркази ишлаш бошлади. Марказ ҳисоблаш машиналари ва бошқа замонавий техника билан жиҳозланган.

Комориани маркази Москва, Вашингтон, Мельбурн, Будапешт, Вена ва Потсдам метеорология марказларига метеорология маълумотлар бериб туради.

ХАНОЙ. Лу ерга ВЦСПС секретари П. Т. Пинчев бошчилигидаги Совет насаба союзулари делегацияси кетди. Делегация бу ерда очилган мажон насаба союзулари федерациясининг доний бюроси сессиясида иштирок этди. ПАРИЖ. Парижда Франция Коммунистик партиясини Марказий Комитетининг пленуми иш бошлади. Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Жорж Марше Пленумда «парламент сайловдан кейинги сиёсий аҳвол» тўғрисида доклад қилди. Пленум иши икки кун давом эттирди. (ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗ ИШЧИЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

ПАРИЖ, 28 март. (ТАСС). Лийондаги «Рон-изер» саноат корхонасида қаралди сессияда ўстаҳоналарининг 300 дан ортиқ хотин-қиз ишчиси меҳнат шaroитининг яхшилашнинг талаб қилиб намоийш ўтказишди. Улар корхона эгаларининг хотин-қизлар меҳнатини эквивалентия қилишларига қарши норозилик билдиридилар ҳамда тенг меҳнат учун эркаклар билан барабар ҳақ тўлаишини талаб қилидилар. Хотин-қиз ишчилар 23 мартдан буён кураш олиб боришмоқдалар ва ҳозиргача ўз талабларини қувватлаб бир қанча забастовка ўтказдилар.

ҚАМОҚҚА ОЛМОҚДАЛАР


ЛОНДОН, 28 март. (ТАСС). Кейинги икки кун ичида Англия қўнчилари Шимолий Ирландияда кўп қишларни қамоққа олмақдалар. «Хавфсизлик кўчалари» билан тўқнашлар давом этиб, одамлар ўлаётган ва жароҳатланмаётган бир пайтда бундай қамоққа олишлар давом этмоқда. Утган кунлар давомида Белфастда ва Деррида сиккиз жойда бомба портлаганини қайд қилинди, саноат корхоналарига ва магазинларга зарар етказилди.

Ольстердаги кескинликнинг кучайиши консерваторлар ҳукуматининг Шимолий Ирландияда доир «қоқ китобини» юнионистлар партияси маъқуллаб қарор чиқарган вақтга тўғри келиб қолди. Мадлумки, маъқур «қоқ китоб» Шимолий Ирландияда озчилини ташкил этган католикларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини назардандан қилмай Лондоннинг шу илолат устидан сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқдорлигини мустаҳкамлайди.

ФРАНЦИЯ. Париждаги Катта санъат саройда рус ёлғи ҳайкалтарошлиғи ва халқ аълий санъатининг кўргазмаси очилди. Виставода Совет Иттифонидagi Эрмитаж, Ташкентнинг галереяси, Тарих музейи, А. Рублев номидаги музей сингари қатор янги музейлардан келтирилган чинмаган диспонатлар бор. Суратда: виставода зааларидан бирини кўришган Л. Н. Толстойнинг портрет ҳайкали. Бу иш таниқли ҳайкалтарош С. Д. Эрз томонидан 1930 йида бажарилиган. Кейстон — ТАСС Фотос.

ТАНКЕРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 март. (ТАСС). Бразилиядаги Сан-Себастьян шаҳрининг порт маъмурлари Англиянинг танкернинг атраф муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни муттасили бузавитир, деб айбона, унга 426 минг крузейро (71 миллион доллар чамаси) жарима солидилар. Бу танкер олиб келган нефтининг бушатиб бўлгандан кейин унинг қолган-қутганини денгизга агарди ташлаган эди. АП агентлиги мухбирининг берган хабарига қараганда, атраф муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида 1967 йилда қонуни қабул қилингандан кейин Бразилия портларидан чет ол немаларига бунчалани жўда кўп жарима солинмаган эди.



ИМПЕРИАЛИЗМ АЙБДОРЛАР КУРСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Панамада ўз иштини таъмолаган кўчма сессияси халқаро майдонда катта қизил иш тугдирди. Бу таъмомила та ийи бир ҳол. Хавфсизлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бугун тарихи моёбайнида биринчи марта Латин Америкаси мамлакатларининг бунда ўз сессиясини ўтказди. Хавфсизлик Кенгаши асосий эътиборин мажоннинг 300 миллион аҳолиси бўлган ана шу кенг районда жойлашган давлатлар учун кенг муҳим проблемаларга қаратди. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави» қондалари ва принципларига мувофиқ, халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлашга ва Латин Америкасида халқаро ҳамкорликка ердан беришга қаратилган тadbирлар тўғрисидаги масала Панама ҳукуматининг ташаббуси билан сессиянинг расмий кун тартибига киритилди.

Сессия қатнашчиларининг кўпчилиги империалистик монополияларнинг Латин Америкасида босқинчилик сиёсатини қатъий қоралади ва империализмининг ана шу китъада яшов

чи халқлар ички ишларига ҳар қандай шаклда аралашувига чек қўйилсин, деб талаб этди. Венесуэла, Колумбия, Коста-Рика, Куба, Мексика, Эквадор ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг қузатувчи сафатида сессияга келган ташқи ишлар министрлари бу мамлакатларнинг миллий мустақиллиги ҳамда суверенитетини яддиллик билан ҳимоя қилишлари ва ана шу мамлакатларни ўз ҳимоясида сақлаб қоллишга уринатган АКШ империалистик доираларининг китдиқорларини фош қилиб ташлашлари. «Нью-Йорк таймс» газетаси Хавфсизлик Кенгашининг Панамада ўтказилган сессиясида АКШ «айбдорлар курси»дан жой олди, деб эътироф қилишга мажбур бўлди.

Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган ва Латин Америкаси республикаларининг ўз табиий ресурсларини ўз ихтиёрида сақлашдан иборат суверен ҳуқуқларини тасдиқлаб берган резолюция, аввало, Америка монополияларининг бу китъадаги ҳуқуқдорлигига қарши қаратилди. Резолюция давлатларга му

рожаат қилиб, уларни Латин Америкаси мамлакатларига таъин қўриш учун қасддан иштилатган компанияларнинг фаолиятига барҳам бериш мақсадида зарур чоралар кўришга даъват этди.

Сессияда Панама ҳукуматининг Панама канали зонаси устидан Панаманинг тўла суверенитетини сақлаш ҳақидаги ва 1903 йилдаги Қўшма Штатлар Панамага мажбуран қабул қилдириган шартномани қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги талаб қилиш мунозаратга сабаб бўлди. Панама ҳукуматининг бошлиғи Амор Торрихос Хавфсизлик Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида ана шу позицияни таъкидлаб ўтди: «Биз ҳеч қачон гўмашта давлат, мусулманка ёки протекторат бўлган эмасиз ва бўлмаймиз. Биз Қўшма Штатларнинг байроғидagi яна бир юлдузча бўлиб қолмаймиз».

Сессия қатнашчиларининг гол кўпчилиги Панаманинг қонуний ва ҳаққоний талабини қўлаб-қувватлади. Аммо Америка Қўшма Штатлари Панама халқининг суверен ҳуқуқларини

билан ҳисоблашнинг истамаганлигини яна бир марта намоийш қилди ва Америка ҳарбийларининг канал зонасини оккупация қилишни давом эттиришнинг кўзда тутган найратларини иштилоб кўрди. АКШ вакили вето қуқундан фойдаланди ва шундай қилиб, Панама канали тўғрисида Панама ва Хавфсизлик Кенгашида эъзо бўлган бошқа етти мамлакат томонидан киритилган резолюция лойиҳасининг қабул этилишига ҳалақит берди. Латин Хавфсизлик Кенгашидаги 15 аълодан 13 таси бу резолюцияни ёздаб овоз берганлиги (овоз бериш вақтида Англия бетаваф қолди) АКШ яқинлашиб қолганлигини небот этди. Чет эл шарҳчилари Хавфсизлик Кенгашидаги овоз бериш яқуллаари Америка империалистларининг сиёсати илдинги маълумиятига ўчараганлигидан далолат берди. деб ҳисоблаётганликлар бежиз эмас. Жумладан, Англияда чиқарилган «Гардиан» газетаси бундай деб ёзди: «АКШ Латин Америкаси билан муносабатлар соҳасида энг кендги маглубиятларини беришга ўчради».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши сессиясининг иши ва сессиянинг яқуллаари Латин Америкаси мамлакатлари империалистларга қарамликдан тўла халос бўлиш учун курашини давом эттиришга катъий бел болаганликларини яна бир марта очиб-равшан қўрсатди. (ТАСС).

Қадимий ва навиқон Хива шаҳри ҳамда унинг қишлоқлари қиёваси тобора кўракам манзара касб этаётди. Янги, обод посёлкаларда шимам уйлар қад кўтарган. Эндилда бу уйларга эътибор буюмлари кўпроқ керак бўлиб қолди. Хивада қурилган ва инда ишга туширилган бадий

ХИВА АРМУҒОНИ

буюмлар фабрикаси ана шу мақсадга хизмат қилади. Фабрика йилга 1,5 миллион сўмлик бадий буюмлар ишлаб

чиқаради. Аҳолига шох сўзана, ипак буюмлар, бахмал дәрпардалар, чиройли дастурдон ва сончалар, шунингдек, бошқа хил мах-

сулотлар етказиб берилади. Бунда каштачилик санъатининг Хоразмга хос услубидан кенг фойдаланилади. Бичиш-тиқиш ва тай-

ёр маҳсулотлар цехлари замонавий машина ва ускуналар билан жиҳозланган. Шу кунларда янги корхона Хива армуғонини етказиб бера бошлади. Дастлабки маҳсулотлар нэстемолчиларга манзур бўлди.

Ф. ЗОХИДОВ, «Совет Ўзбекистони» музбери.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 30—31 марта, 1 апрелда

МАҶОМ, ЛИРИКА ВА АСКИЯ КЕЧАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Академик Юнус Ражабий раҳбарлигидаги «Маҷом» ансамбли; Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Коммуна ИСМОИЛОВА, Берта ДАВИДОВА; Ўзбекистон ССР халқ ҳофизлари: Бобоҳон ва Анвалхон СУПНХОНОВЛАР; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Холмас ҚОДИРОВА, Ориф АЛИМАҚСОВ, Шокиржон ЭРГАШЕВ, Спирит АМИНОВ, Қизилархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Хадия ЮСУПОВА;

Солистлар: Ориф ХАТАМОВ, Ҳанимжон ФАҶЗНЕВ, Очилхон ОТАХОНОВ, Дилафруз ЖАББОРОВА, Раҳима ЙЎЛДОШЕВА, Исҳоқ КАТАЕВ, Иброҳим ИСҲОҚОВ

«Марҳаб» ташкилотлар телевидение фестивалининг лауреати Раънохон АМИНОВА (Сурхондарё области, Денов шаҳри); Махшур асиячилар: ИҶРОҚУМ Бува АМИНОВ, ГОБИЕ ота ТОШМАТОВ, Мамарозин ИСҲОҚОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ, ЙЎЛДОШХОН НОСИРОВ.

(Кўчур):

ЗАИНОВИДИН ВА МАДАМНН ЮСУПОВЛАР (Марғилон);

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаним НИШОНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ Ансамблининг музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин СОДИҚОВ. Кечани олиб борадилар: Насиба ҚАМБАРОВА ва Уғир СИДДИҚОВ.

Концертлар: 30 мартада кеч соат 8 да, 31 мартада соат 5 ва 8 да, 1 апрелда соат 8 да бошланади. Билетлар концерт вакилликсизда кундуз соат 2 дан сотилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

ВИРНИЧ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 Мультифильм. 18.45 — Омон Эшбоев куйлайди. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Мамлакатимизда махнат кўтаринчилиги (Москва). 20.20 — «Ахборот». 20.40 — «ВУСТОК». 21.30 — «ВААТ». 22.00 — Ғи минут музика. 22.10 — «Ташсе-маш» заводи коллективни билан учрашу. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Тележурнал. 11.00 — Вадий фильм. 18.30 — Театр афишаларида (Москва). 19.30 — Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари. 20.20 — Инженер Пречатов (бадий фильмининг 1-серияси). 21.30 — Буни ҳамма билдиш керак. 22.00 — Кошерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телепанорама. 20.20 — Классик музика саҳифалари. 21.00 — Иним ҳаёт (бадий фильмининг 2-серияси).

талаб соат 11, кундуз соат 12, 2, 3, 5, кеч соат 6, 8, 9 да; «ЎЗБЕК-КИСТО» (орталаб соат 10, кундуз соат 1, 4, кеч соат 7, 9,30 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да), «ВОС-ТОК» (орталаб соат 11, кундуз соат 2 ва кеч соат 7 да), «МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч соат 6 да), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 6 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 9 да).

Эски шаҳар моноролари; Мультифильмлар тўлаими — ҚАМ-ЗА номли (орталаб соат 11,30, кундуз соат 2,30, 5,30 ва кеч соат 8,30 минутда), «ДРУЖБА» (орталаб соат 11, кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Рублас издан (орталаб соат 11, кундуз соат 1, кеч соат 7, 8,40 минутда), Сангам (кундуз соат 3, ўзбек тилида) — «КҲҚЧА».

Прерия: Оитарно бўйндаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 8,45 минутда).

Эраминдан миллион йил илгари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (орталаб соат 10, кундуз соат 12 да).

Гул ва тош — НАВОНИЙ номли (орталаб соат 9,40, кундуз соат 12,20, 3, 5,40 ва кеч соат 8,20 минутда).

Музика садолари — «МОСКВА» (кундуз соат 12 ва кеч соат 8,30 минутда).

Рустам ва Сухроб — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Мовий муз — «ВОСТОК» (кундуз соат 5 ва кеч соат 9,30 минутда).

РЕСПУБЛИКА ВИЛИМ УНИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ САЙРА ВА ЮМОР СЕКЦИЯСИ

1 АПРЕЛЬ КҮНДУЗ СОАТ 3 ДА ВИЛИМ УНИ ВИБОСИДА

ТАБАССУМ КЕЧАСИ УТКАЗАДИЛАР.

Кечада: «Табассум» радио журнали, «Эриш хандаси», «Телевизионлар театри», «Муштур» журнали, «Гул қайчи» («Шарқ юлдузи» журнали), «Наъматан» («Гулистон» журнали), «Хангома» («Ўзбекистон маданияти»), «Биз нулайми» («Ёш ленинчи» газеталарининг) ходимлари;

Кулди даргалари ва ҳажвчилар катташадилар.

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ, КУЛИ-ШАМИЗ.

Ўзбекистон ССР Журналистлар овози правленсиз Журналистлар овози Сирдарё об-ласт таъиноти бюросининг раиси, «Сирдарё хангаити» газетасининг редактори И. Сулаймонова отаси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Сулаймон АЗИМОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат университетининг филология факультетининг леканети, партия ва мамоат таъинотилари университет филология факультетининг ўзбек адабияти кафедрасининг доцент У. Норматовга аяси

Ҳайдарали НОРМАТОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Восма кичин ва катта тиражада, шеврография ва литография усулларида баъзилар.

Барча маълумотлар буйича куйилган адресга муносабат қилинсин: Тошкент-98, Фафур Еулом кўчаси, «10 а» уй, телефон 780080.

Хроника

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Уртоқ Миролоним Собитовнинг бошқа ишга ўтганлиги сабабли Ўзбекистон ССР палата тозалаш саноати вазири вазифасидан овоз қилди.

Редатор М. ҚОРИЕВ.

ОРОМГОҲЛАР

Пионер ёзи яқинлашмоқда. Республика насаба союз ташкилотлари фарзандларимизнинг ёзи таътил кунлари кўнгилли ўтиши учун тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Ҳозирда ноқ мавжуд пионер лагерларида ремонт ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

Утган йили республикада касабасоюзларга қарашли 252 та пионер лагери ишлаган бўлса, бу йил улар қаторига тағин 16 лагерь қўшилди. Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё областларидаги хушманзара жойларда янги лагерлар ташкил қилинади. Олмалиқ металлургия, Оқангарон ва Шарғун кончилари, энергетиклар, автомобилчилар, темир йўлчилар ҳам ўз ўғил-қизларининг ёзи дами олиши кўнгилли ўтиши учун Чимён, Қўқарой, Шохимардонда санаторий типидagi лагерлар очилади. Қўлаб ўқувчилар республикамиз ва Иттифоқимиз бўйлаб саёҳат қиладилар.



Суратда: янги корхонанинг бичиқчи мастери Н. Екубова тиниш чежи бошлиғи О. Матқаримова билан чевар қизлар тайёрлаган шойи сўзанани кўздан кечиряпти.

Ажаб савдолар

ЎЗ ФОЙДАСИГА ЯНГЛИШИШ

Ўрта Чирчиқ районидagi 15-магазиннинг мудирини Тошмуҳаммад Қаҳҳоров унинг жуذا ҳалол, мусиҳадек беғуноҳ одам деб ҳисоблайди. Шу ерлик кичиларнинг айтишига қараганда, унинг юқоридagi «фази-лат»ларидан ташқари яна бир «фазили» бор. Чунончи, та-ниш-билишлари учун «сиздан угина, биздан бўғина», деб камёб кийимлик материалларни пештахта орқасидан топиб беришга устаси фаранг. Яқинда қишлоқда: «Нима дейсан, магазинимизга кўзни оладиган аёллар жемпери келибди» деган хабар тарқалди. Оналар кизлари билан, келинлар қайин сингиллари билан етаклашиб, магазинга чопишди. Сотувчи—магазин мудирининг рафиқаси Д. Қаҳҳорова кўли-қўлига те-май савдо қиларди. — Неча пулдан? — деб сў-ради А. Солдатова. — 24 сўм у 24 тийин, — жавоб қилди у. — Ундай бўлса менга инки-тасини ўраб беринг. — Менга ҳам инкита, — пу-лини узатди бошқа бир аёл. — Меннинг қўшим ҳам шун-дай жемпери шаҳардан олиб келувди, баҳоси намроқ эди шенгли, нақладойини кўрсак

бўладими, — сўради Л. Це-пелова. — Нима, менга ишонмай-сизми? — Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшининг ўғри тутма», деган-ликдек, бир кўриб қўймоқчи-миз, — бўш келмади харидор. Сотувчининг юзи чўгдек қи-зарди, мудирнинг ранги қордек оқарди. Қаҳҳоров харидорлар-дан балад келмоқчи бўлди. — Тошингизин теринг, — деди у, — нақладой бизда бўлмайди, бўлганда ҳам «сиз-ларга кўрсатадиган... Харидорлардан бир неча ки-ши Киров номли ўкув хўжа-лигининг ишчилар матлубот жамиятига бориб, арзларини айтишди. Нарх-баҳоаларни си-чиқлаб ўрганишса, 15-магазин мудирини «янглишиш» жуذا кўп молларни юқори баҳода сотар экан. Жумладан, аёллар жем-пери 20 сўм 71 тийин бўлиши керак. Лекин унинг баҳоси му-дирнинг «янглишиши» билан 24 сўм у 24 тийинга чиқарил-ган экан. Матлубот жамияти-да бунинг сабабини сўрашса, у ердагилар шундай жавоб қи-лишди: — Ҳаммаииз ҳам хом сут эмган бандамиз. Сотувчи ян-глиш бўлса, атиги 3 сўм 53

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Шу кунларда Тошкентда икки болгар эстрада юлдузи меҳмон бўлиб турибди. Пойтахтимиз кўчи муҳлислари улар ижросида аjoyиб тароналар тингламоқдалар. Эмил Димитров ёшлиғидан санъатга меҳр қўйган. Мантабин ту-атиб, театр институтига ўқиш-ниради. Эстрада санъати уни жу-да қизиқтириб юлди. Эмилнинг яқин овози бор эди. Эстрада ў-шинчиси сифатида у бир неча Халқаро фестивалларда қатнаша-ди, қатор совринлар эгаси бўл-ди. Эмил Димитров ўз юртулини Лили Ивановна билан бундан уч йил бурун болгар эстрада ижро-чилари икки биринчи бўлиб Бол-гария ИКМ Республикасида хиз-мат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган. Эмил Димитров шаҳримизга уч марта меҳмон бўлиб келган. У ҳам қўшнани, ҳам композитор, ҳам шонирди. Богдана Карадочева 15 ёшида Болгария радиоси юнқурасида қатнашиб, санъатдаги ўз йўлини бошлади. Кейинчалик Сочида ў-қинилган Халқаро юнқураси ва Болгариядаги «Олтин Орфей» фестивалида биринчи ўринларни олди. Болгариялик икки эстрада кў-шичсининг пойтахтимиздаги концертлари кўтаринчилиги билан ўтмоқда. Расом И. Меламад чизган расмларда Эмил Димитров ва Бог-дана Карадочева тасвирланган.

САҲИФАДА:

- ЯНГИ КОРХОНА
- ЖАҲОН ЯРМАКАСИ
- ДУСТЛАРИМИЗ
- ГАСТРОЛИ
- ФИЗКУЛЬТУРА
- ВА СПОРТ
- КҮРИНГ, ТИНГЛАНГ,
- ТОМОША ҚИЛИНГ

СПОРТ

Бугунги кунда бухоролик спортга меҳр қўйганлар сафи 190 мингга етиб қолди. Улар орасида халқаро классик спорт мастери ҳамда СССР спорт мастери кўнрақ иншонларини таъиб юрганлар талайгина. Олтинчи-дан кўпроқ ингит-қизлар эса мас-терликни ноизод. Биринчи разрядда ва оммавий спорт разрядларига эга бўлган ёшлар ҳам кўпайиб бормоқ-да. 13 минг икки махсус тайёргар-лик курсларида таълим олиб, мамо-атчи тренер ва судья номини олди. Улар энди областдаги завод ва фаб-рикаларда, ноҳол ва совхозларда ёшларга спорт сир-асорларини ўр-ғатишга ўз билимларини ишга сол-моқдалар. Областида физкультурачилик харақатини янада оммавий тус ол-дириш ишига спорт клублари, ма-милатлари ўз улушларини қўшиб кел-моқдалар. Жумладан, ўтган йили «Сўғдиёна» спорт клуби, хиния ю-вонати ёшлар, навиқон Навоний шаҳри яқинида қад кўтарётган ГРЭС курялишида иштирон эътаб-тан йанги-қизлар катта-ичини мусоба-каларда антин иштирон этиб ўз ма-хоратларини оширдилар. Шунинг-дан, «Стронтея» клубида, кооперати-ва, чон геологически техникумларида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Когон темир йўлчиларининг кулга киритилган муваффақиятлари спорт коллентивлари учун анча иб-ратли. Шофирон районидagi «Шо-фирмон», Бухоро районидagi «Ма-даният» ноҳолларда спорт мусоба-каларига янги эътибор берилган.

МАКСАД-ОММАВИЙЛИК

Ҳабивога, оғир атлетичи — мам-лакат ренордчиси Нойил Бурнашев, сабо нурашлари устаси Собир Кур-бонозининг номини хурмат билан тилга оладилар. Махоратли спортчи-лар тарбиялаб етиштиришда та-рихбаларини амайтган устозлардан — республикада хизмат кўрсатган тренер К. Тощев, В. Романов, Я. Александровский, Г. Мўминовлар билан фахрланамиз. Улар спортчилар-нинг орасидан спорт мастерлари тайёрлашда республика ва СССР терма командалари аъзолари тайёр-лашда яқин хизмат қилмоқдалар.

Спорт билан шугулланиш ва унинг оммавийлигини оширишда шарт-шар-оитларнинг муайён бўлиши муҳим. Шу бондан облатимизда спорт иш-шоотларини муддатда кўриш иш-ларига аҳамият берилляпти. Утган йилининг ўзида баскетбол, волейбол ҳамда кўла тўли ўйинлари учун 120-дан зиёд спорт майдони барпо этил-ди. Футбол шиманедалари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Са-чинта футбол майдони қурилади. Ша-ҳардаги «Спартак» стадионининг минбар биноси тағнага спорт зали жиҳозланди. Эндилда бу ерда бонс-калар, нурашчилар, штангчилар ўз машғулотларини узлуksиз ўта-

Мусобақа бошлангунга қадар инсти-тутда янги спорт комплекси фойда-ланишга топширилди. Студентлар 3 минг ўринли стадионга, волейбол ва баскетбол майдончаларига ҳамда теннис юртларига эга бўладилар. Шу йил ҳарбий хизматга чақир-илувчиларнинг облати XV спартакиа-дасини ўтказмоқчимиз. «Халқлар-дустлиги» спартакиадаси ҳам давом эттирилди. Бу мусобақага энди Чорғий, Мари, Ашқобод, Душанба, Ленинобод шаҳарларидан ҳам ва-киллар таъин қилинади. Мусобақа-лар спортнинг 24 тури буйича ўт-казилади. Облатимизда спортнинг оммавий лигини таъминлаш тадбирлари кўри-лмоқда. Хали камчилигимиз кўп. Районларда, ноҳол ва совхозларда спорт ўйинларини ташкил қилладиган жонокур тренерлар, инструкторлар етишмайди. Биргина Ромитан рай-онидagi 64 та мактабда турттагина олий маълумотли физкультур ўқи-тувчиси бор. Маисадимиз мамчил-ларини тутатишда, физкультурачи-лик харақатининг оммавийлигига эришишдан иборат. О. МАВЛОНОВ, Бухоро облати физкультура ва спорт комитетини раиси.